



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ПРИНЦИПЛАРИГА ДОИР ТУРКМАНИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Очилова Ситора Салим кизи

*Сурхондаре вилояти ИИБ ЖХХ ХПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий
ердам курсатиш маркази бошлиғи подполковник*

Анотатсия: Мазкур тезисда Марказий Осиё давлатлари – Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид амалга оширилаётган сиёсат, қонунчилик базаси ва асосий принциплар таҳлил қилинади. Ҳар бир мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизими ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ёндашуви ўзаро солиштирилади. Жумладан, қонунийлик, давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги, профилактиканинг профилактик–ишонч жараёни сифатида қаралиши, фуқаролар онгини оширишга қаратилган тарғибот ишлари каби принципларнинг шаклланиши ва амалиётда қўлланилиши кўриб чиқилади. Шунингдек, мазкур тажрибалар Ўзбекистон ҳуқуқий амалиёти учун қандай фойдали жиҳатларга эга эканлиги юзасидан таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, хорижий тажриба, ҳуқуқий тизим, принциплар, давлат сиёсати, жамоатчилик, тарғибот.

КИРИШ

Марказий Осиё давлатларининг барчаси постсовет ҳуқуқий тизими асосида ривожланган бўлса-да, ҳар бир мамлакат ҳуқуқбузарликлар профилактикасига нисбатан ўзига хос миллий ёндашувларни шакллантирган. Туркменистонда профилактик фаолият кўпроқ марказлашган ва идоралараро мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Қирғизистонда эса фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий онгини оширишга катта эътибор қаратилган. Тожикистонда профилактика соҳаси махсус давлат дастурлари орқали мувофиқлаштирилиб, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида урғу берилади. Ушбу мақолада ана шу уч давлатнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид принциплари, қонунчилик асослари ва амалиётдаги татбиқи ҳар томонлама кўриб чиқилади.

АСОСИ ҚИСМ

Туркменистоннинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2020 йил 22 августдаги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;



қонунийлик;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ёндашувларнинг изчиллиги ва бирлигини таъминлаш;

жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг очиқлиги, узлуксизлиги, изчиллиги, ўз вақтида, холислиги, етарлилиги ва илмий асослилиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг компитентлилиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун жавобгарлиги[1].

Ушбу қонунда ҳам бир қатор муҳим принциплар ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ёндашувларнинг изчиллиги ва бирлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқни қўллашда ягона ёндашувларни жорий этишни талаб қилади. Бинобарин қонунларнинг кучи ҳам уларнинг бир хил қўлланишида ҳисобланади. Шу маънода ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунларнинг бир хил ёндашувлар асосида қўлланилиши муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 апрелдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 51-моддасида ҳамда вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ҳамда таъминлашга доир ваколатларидан бири сифатида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этишлари белгилаб қўйилган[2].

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг очиқлиги, узлуксизлиги, изчиллиги, ўз вақтида, холислиги, етарлилиги ва илмий асослилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чораларнинг узлуксиз, изчил ва ўз вақтида ҳамда холисона қўлланиши муҳим.

Бинобарин, мамлакатимизда давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги устувор вазифаларидан бири сифатида ҳам: “жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш” назарда тутилган[3].

Туркманистон қонунчилигидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг компитентлилиги принципи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳуқуқбузарликлар



профилактикасига оид вазифа ва функциялар ҳамда ваколат ва мажбуриятлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари учун айнан мос бўлиши керак. Бугунги кунда мамлакатимизда профилактика инспекторларининг зиммасига юкланаётган айрим вазифалар уларнинг фаолиятига тўла мос келмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар рўйхатида 22 та вазифаларнинг аниқ рўйхати[4] белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан ҳамон профилактика инспекторлари зиммасидаги вазифалар кўплигича қолмоқда. Шунинг учун бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига айнан уларнинг ўзлари бажариш имконига эга бўлган вазифаларнинг юкланиши муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда бошқарувнинг муҳим принципларидан бири ҳам айнан компитентлик ҳисобланади. Унга кўра бошқарув субъектларига айнан уларга мос бўлган ва бажара олиши мумкин бўлган вазифа ва функциялар юкланиши керак. Сурхондарё вилояти ИИБ тизимида хизмат қилаётган 700 нафар профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда респондентларнинг 82 фоизи профилактика инспекторлари зиммасига улар бажара олмайдиган ёки уларнинг фаолиятига мос бўлмайдиган вазифалар юклангани таъкидлашган.

Қирғиз Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асослари тўғрисида”ги 2021 йил 5 майдаги қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги принциплари белгилаб қўйилган:

инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жавобгарлиги;

қонунийлик;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ёндашувларнинг изчиллиги ва бирлигини таъминлаш;

очиқлик, узлуксизлик, изчиллик, ўз вақтидалик, холислик, етарлилик ва илмийлик;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг асослилиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда компитентлилик ҳамда комплекслилик;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқадорлик[5].

Қирғиз Республикасининг қонунчилигида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг асослилиги принципи кўрилатган профилактик чора-тадбирларнинг зарурат асосида татбиқ этилишини назарда тутди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда 20 дан ортиқ профилактик чора-тадбирлар



белгиланган. Ана шу профилактик чора-тадбирларнинг қўлланилиши таҳлил қилинганда уларнинг аксариятини аслида зарур бўлмаган вазиятларда қўлланишининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Сурхондарё вилояти ИИБ тизимида хизмат қилаётган 700 нафар профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда респондентларнинг 98 фоизи Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 36-моддасида кўрсатилган профилактик ҳисобга олиш асосларини керагидан ортиқ белгиланган деб ҳисоблашларини маълум қилган.

Россия Федерациясининг “Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими тўғрисида”ги 2016 йил 23 июндаги қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг принциплари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

қонунийлик;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ёндашувларнинг изчиллиги ва бирлигини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг очиқлиги, ўзлуксизлиги, изчиллиги, ўз вақтидалиги, холислиги, етарлилиги ва илмий асослилиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича компетенция;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун жавобгарлиги[6].

Россия Федерациясининг “Вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 1999 йил 24 июндаги қонунда вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

қонунийлик;

демократизм;

вояга етмаганлар билан муносабатда инсонпарварлик;

оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ҳамкорлик;

олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда вояга етмаганларга индивидуал ёндашиш;

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг вояга етмаган ўртасида назоратсизликлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш[7].



Россия Федерациясининг юқоридаги қонунида назарда тутилган олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда вояга етмаганларга индивидуал ёндашиш принципининг элементлари мамлакатимиз қонунчилигида ҳам учрайди. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилиши назарда тутилган[8]. Оила кодексининг 153-моддасига биноан Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридagi ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилигисиз бериш тақиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар[9]. Аммо айнан вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олинган маълумотларнинг махфийлигини назарда тутувчи қоидалар мавжуд эмас. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш асослари ва тартиби белгиланган[10] бўлсада аммо мазкур ахборотларни сир сақлаш асослари назарда тутилмаган.

Тожикистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва олдини олиш тизими ҳақида”ги 2020 йил 2 январдаги қонунида қуйидаги принциплар назарда тутилган:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

қонунийлик;

адолат;

инсонпарварлик;

махфийлик;

вояга етмаганларни, шу жумладан оғир ижтимоий шароитда бўлганларни тарбиялашга индивидуал ёндашиш;

оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлигини таъминлаш;

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида жамиятнинг иштироки;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;

профилактика чораларининг жавобгарликка тортиш чораларидан устунлиги.



Юқоридагилардан кўриниб турибдики МДХга аъзо мамлакатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўзига хос ва шу билан бирга умумий принциплари белгилаб қўйилган.

С.Б. Хўжақулов ҳам МДХ мамлакатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ушбу давлатлар қонунчилигида принцип масаласига энг кам эътибор қаратган ва аҳамияти унчалик сезилмайдиган қонунчилик бизнинг миллий қонунчилигимиз ҳисобланишига урғу берган ҳолда “Бор йўғи 5 та принцип келтирилган бўлса-да, уларнинг ҳам 3 таси умумий принциплар туркумига мансуб. Махсус принциплар сифатида киритилган “ишонтириш усулининг устуворлиги” ва “таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш” принципларининг моҳиятини эса бир ўқиганда тушуниб олиш бир оз қийинчилик туғдиради. Айнан шунинг учун ҳам қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси принциплари мазмун-моҳиятини ҳам Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун (кодекс)ларнинг принциплари тизимини баён этишда фойдаланилган услуб асосида ёритилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз”[11] деб таъкидлайди.

С.Б. Хўжақулов томонидан ўтказилган ИИВ Академиясида малака ошириш курсига жалб этилган 50 нафар амалиётчи ходимлар (профилактика (катта) инспекторлари)дан интервью сўров ўтказилганида уларнинг деярли барчаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг “ишонтириш усулининг устуворлиги” ва “таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибда ёндашиш” принциплари мазмун-моҳиятини етарлича тушунмаслиги маълум бўлган[12].

Шунингдек бу борада С.Б. Хўжақуловнинг агар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти принциплар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмас экан, унда фаолият давомида муайян томонга оғиш эҳтимоли юқори бўлади[13] деган фикрига тўлиқ қўшилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/5378966>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/3141186?query=16.05.02.00#sr-1>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/5749291#5749827>.



4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // <https://lex.uz/docs/104720>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/1685726>.
7. Закон Туркменистана от 22 августа 2020 года №259-VI // О профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=127093.
8. Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549.
9. Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 года №182-ФЗ // Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=86406.
10. Федеральный Закон Российской Федерации от 24 июня 1999 года №120-ФЗ // Об основах системы профилактики безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=1580.
11. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс. – Т. 2023. Б.159.
12. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс. – Т. 2023. Б. 159.
13. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезеси, назарияси ва амалиёти: юрид. фан. док. дисс.. – Т. 2023. Б. 159.